



ОПТИ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 йил 23 мартдан ЧИКА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 1 август, жума № 118 (1543)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари билимдонлари ўртасида республика танлови эълон қилинди.

Маданият ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, иккинчи бор ўтказилаётган ушбу танлов ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий мавзулардаги энг яхши асарлар намуналарини кенг тарғиб ва ташвиқ этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан биридир. Бу эзгу ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга ошириляпти.

Тадбирнинг якуновчи босқичи сентябр ойида пойтахтимизда бўлиб ўтади.

(ЎЗА)

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА САФАРИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 31 июл кuni Бухоро вилоятида бўлди.**

Хар қандай ободлик кўнгилдан бошланади, деганди Президентимиз Бухоро вилоятига олдинги ташрифи чоғида. Юртбошимизнинг бу галги сафари ҳам Баховуддин Нақшбанд зиёратидан бошланди.

Айтиш жоизки, вилоятда бошқа соҳалар қатори тарихимизни, миллий кадриятларимизни тиклаш, буюк аجدларимиз хотирасини ёд этиб, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Абдуллоҳқич Гиждувоний, Бобой Самосий, Хўжа Али Ромитаний, Хўжа Ориф Ревгарий, Махмуд Анжир Фағнавий, Саид Амир Кулол ва Баховуддин Нақшбанд қадамжоларида амалга оширилаётган катта кўламадаги бунёдкорлик ишлари шулар жумласидандир.

Вилоят остонаси - аэропортдан Баховуддин Нақшбанд зиёратгоҳига борадиган катта йўл замонавий талаблар асосида таъмирдан чиқарилди. Эндиликда ойнадек яраклаб турган, кенглиги 27 метр бўлган мазуур йўл ёқалаб барпо этилган сўлим гулзор, қулай ёритиш тизими киши-

нинг баҳри дилини очади. Қадимода катта миқёсдаги тиклаш ва таъмирлаш ишлари давом этаётди.

Ислам Каримов ана шу яратувчанлик ишлари билан танишар экан, зиёратгоҳни таъмирлашда Самарқанд ва Шахрисабздаги тарихий қадамжоларни обод этиш боғида орттирилган ибратли тажрибалардан ижодий фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Хазрат макбарасига бориладиган йўлакни саришта-лаб, икки четиға тут дарактларни экиш, зиёратгоҳ ҳовлисидаги ҳовузни, айвонлар, деворлар, устунлар, дарвозаларни миллий тарихий мезморлик намуналари асосида қайта таъмирлаш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Юртбошимиз XVI асрда барпо этилган, шўролар замонида унутилган, истиқлол йилларидагина эъзоз ва эътибор топан қадимий обиди - Чор Бақир меъморий ёдгорлигида ҳам бўлди.

Афсуски, шундай муҳим тарихий ва маънавий аҳамиятга эга осори-атиқалар ҳақида халқимизнинг ақсарийи кўп нарса билмайди, - деди мамлакатимиз раҳбари. - Биз бу ерда мангуға кўним толган азиз авлибаларимиз хотиралари ҳаққи ана шу ёд-

горликка эъзоз ва эҳтиром кўрсатишга бурчлимиз.

Президентимиз мазуур меъморий обиди тарихини атрофлича ўрганиш учун тарихчи олимлар, алоқадор ташкилотлар вакиллари билан иборат махсус ишчи гуруҳ тузиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Ушбу гуруҳ зиммасига Чор Бақир меъморий ёдгорлиги ва у билан бевосита боғлиқ улуг зотлар тарихини илмий-тарихий жиҳатдан пухта ўрганиб чиқиш ҳамда шу асосда алоҳида илмий тўплам, шунингдек, фотоальбом яратиш вазифаси юкланди.

- Сафардан мақсадим дала

мехнатчилари, мўл-кўл ҳосил этиштираётган деҳқонларимиз билан юзма-юз, самимий суҳбатлашиш, уларнинг турмуш шароити, қувончу ташвишлари билан имкон қадар яқинроқ танишишдир, - деди Ислам Каримов Вобкент туманининг Ином Наимов номидаги ширкат хўжалиги пудратчилари билан мулоқот пайтида.

Юртбошимиз қишлоқ меҳнат аҳлининг яшаш шароити, турмуши, уларга яратилган шароитлар билан қизиқди. Зотан, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодининг асосий бўғини ҳисобланади.

Ином Наимов номидаги хўжаликда эътибор бериш мақсада мувофиқдир. Ислам Каримовнинг фикрича, етиштирилган ҳосилнинг қамиди 70-75 фоизи биринчи навни ташкил этиши керак. Мухими, пахта тез ва сифатли териб олиниши лозим. Шунда ерга дам бериш, агротехника тадбирларини вақтида ва самарали ўтказиш имконияти анча кенгайди.

Ислам Каримовнинг таъкидлашича, пахта етиштиришда пировад натижани, яъни даромадни янада кўпайтиришни уйлаб иш юритиш керак. Чунки эндиликда етиштирилган пахтаимиз тўлалигича ўзимизники: ўзимиз сотамиз, ўзимиз фойдасини кўрамиз. Демак, пахтаининг нави ва сифати ҳақида ҳам ўзимиз қайғуришимиз зарур.

Президент Ислам Каримов вилоят фалолари билан учрашувда Қашқадарёда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, уларнинг натижалари, вилоят меҳнатчилари олдига турган долзарб вазифалар хусусида суҳбатлашди.

ширкат хўжалиги аъзолари Сожида Бердиева, Азиза Ярашева юртимиздаги тиңлик, барқарорлик, халқимизга, хусусан, қишлоқ меҳнатчиларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбарининг дала меҳнатчилари билан суҳбати очик, самимий, ошқора руҳда ўтди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йилгишда давлатимиз раҳбари бу ерда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг боришини юксак баҳолади.

Дарҳақиқат, вилоятда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган дастурлар ҳаётга иччил татбиқ этилмоқда. Утган ярим йил давомида иқтисодийнинг деярли барча соҳалари жадал ривожланди. Вилоят ялли ички маҳсулоти 4,4 фоиз ўсди. Тадбиркорларга, айниқса, фермерларга банк хизмати кўрсатишни яхшилашга, қулайликлар яратишга қаратилган минибанклар сони ортиб, бугунги кунда 23 тага етди.

Вилоят галлакорлари улкан ютуққа эришди. 408 минг тонна дон етиштирилди, ҳосилдорлик 50 центнерга етди. Бу ўтган йилгидан 6 центнер кўпдир.

Айни чоғда далаларда гўзанинг ривожы яхши. Вилоят миришкорлари бу йил 360 минг тонна пахта йиғиб-териб олишини мўлжаллаган.

Шу билан Юртбошимизнинг Бухоро вилояти бўйлаб сафари якунига етди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов Қашқадарё вилоятига йўл олди.

Фулум МИРЗО, (ЎЗА) махсус муҳбири

## «ХИВА КАРПЕТ» ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИ

Ўтмишда Хива шаҳрини Шарқ гавҳари деб беҳизга таърифлашмаган. Бу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарда Шарқ меъморичилигининг ноёб дурдона обидалари қад ростлаб турибди. Буюк Ипак йўлида жойлашган гўзал Хива Европа билан Осиёни бир бирига туташтириб турувчи йирик маданий-маърифий марказлардан бири ҳисобланганлиги алоҳида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Биламизки, бу ерда айниқса, ганж ва ёғоч ўймакорлиги, гиламдўзлик, заргарлик, қулоччиликнинг ўзига хос ажойиб мактаби яратилган. XIII асрда мафтункор гўшага ташриф буюрган италиялик машҳур сайёх Марко Поло ўзининг «Урта Осиёга саёҳат» китобида шундай деб ёзган: «Биласизми, бу қадим кўҳна шаҳарда шундай нозик ва нафис, бежирим ва гўзал гиламлар тўқилар эканки, бундай гиламларни дунёнинг бошқа жойларида учратмадим».

Академик Толстов эса Хивада милoddан олдин тўқилган гилам парчасини излаб топганлиги ҳам кўп нарсани англа-тиб турибди.

Қувончлиси шуки, қадимий шаҳар ўзининг минг йиллик қутлуг аъналарига содиқ қолмоқда. Хивалик халқ хўнардмандларининг чинниқ-сопол, мис ва қумуш, бронза ҳамда тилладан ясалган ранго-ранг буюмлари бугунда ҳам дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюраётган сайёҳларни лол қолдирмоқда.

Йиллар ўтди одамлар, ишлаб чиқариш ўзгарди.

Эндиликда гилам тўқиш замонавий саноат ишлаб чиқариш негизига кўчирилди. Кўпчилик яхши билади, бу ерда Урта Осиёда энг йирик гилам комбинати қурилиб ишга туширилган. Утган давр мобайнида корхонада қарийб 40 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ишловчиларга қулай шарт-шароитлар яратилганлиги, яхши маош тўланаётганлиги ва энг муҳими тўқувчилар кадр-қиммати ўрнига қўйилаётганлиги боис, қувончи меҳнат ютуқларига эришилмоқда.

Комбинатда ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилиб, мустаҳкам моддий техника база юзга келтирилди. Кўплаб ишбилармон, юқори малакали тўқувчилар, муҳандис-техник ҳодимлар тайёрлаш билан биргаликда гигант корхонани электр энергия, газ, иссиқ ва совуқ сув билан мунтазам таъминловчи қўшимча ресурсларга ҳам асос солинди.

(Давоми 2-бетда)



## РАИСНИНГ ХАЙРЛИ РЕЖАЛАРИ

**Юқори Чирчик туманидаги «Ўзбекистон» хўжалиги аъзолари эрта баҳорда йўл ёқаси ва хиёбонларга 24 минг туб мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказган, олти гектар майдонда бог барпо этган эди. Уларнинг деярли ҳаммаси барқ уриб ялрок ёзди.**

Худудимизда тўрта мактаб бор, - деди хўжалик раҳбари Асқар Уктамалиев. - Уларнинг ихкитасини оталиғи-мига олганмиз. Бултур 5-мактаб ошқонасини таъмирлаб берган эдик. Ҳозир унинг спорт залини ремонт қиляпмиз. Оталиғимиздаги 6-мактабнинг спорт зали таъмирини ҳам ўз зиммасига олдик. Шу ишларга ўн миллион сўм атрофида маблағ сарфлаймиз.

Хўжаликда бу йил галла мўл бўлди. 647 гектар майдонда галла парваршиланди. Уч минг тонналик хирмон уюлди. Унинг юз тоннасини уруғликка ажратиб қўйдик. Икки юз уч тоннаси шартнома-режасини дўндириб бажарган оилаларнинг улуши. Қолганини арзон нарҳда хўжалик аъзоларига, кам таъминланган оилаларга ўтказамиз. Умуман, галлачиликнинг ўзидан тўқсон-юз миллион сўм фойда кўрпмиз, - деди раис. - Бу ўтган йилдаги қараганда уч-тўрт баравар кўп. Ана шу фойда ҳисобидан иккита трактор сотиб олмақчимиз. Олти-етти миллион сўми аъзоларимизга дивиденд тарқатмақчимиз. Бир қисмини ободончилик, янги қурилиш ишлари учун сарфлаймиз.

(ЎЗА)

## ЯНГИ АВТОБУСЛАР ТАҚДИМОТИ

Тадбирда «Тошшаҳарйўловчи» давлат уюшмаси раиси Р.Файзуллоев, «Даймлер Крайслер АГ» концернининг «Мерседес Бенц Автобуслар» компанияси ижрочи директори Волфганг Презингер сўзга чиқиб, немис дёврида ишлаб чиқарилаётган бундай йўловчи ташин машиналари ўзининг сифати, шинамаллиги, атраф-муҳитга кам зарар етказиши ва бошқа қулайликлари билан ўзбекистонликларга манзур бўлаётганини таъкидлади.

Ушбу транспорт воситалари мамлакатимиз иқлим шароитига мос келиши ва техник жиҳатдан мустаҳкамлиги билан ўзини оқлатмоқда. Хусусан, уларнинг ҳар бири бир миллион километрдан ортиқ йўлни таъмирсиз босиб ўтиши мумкин.

Мазуур автобуслар Тошкент шаҳри аҳолисини транспорт хизмати кўрсатиши яхшилаш, пойтахт автобус паркинчи замонавий транспорт воситалари билан жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ келтирилмоқда.

«Тошшаҳарйўловчи» давлат уюшмаси билан «Энбоус ГмбХ, Мерседес Бенц Автобуслар» компанияси ўртасида тузилган шартномада юртимизда жами 37,42 миллион евро микдоридида 300 автобус, жумладан, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ва бошқа материаллар босқичма-босқич етказиб берилиши кўзда тутилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, улардан янада унумли фойдаланиш, айна пайтда айрим эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида «Мерседес Бенц» сервисуслариға сифатли сервис хизмати кўрсатиш маркази ҳам ташкил этилган. Сақки йилдирки, ушбу марказ самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

(ЎЗА)

## Инсонга наф келтириш - олий бахт

**Авар халқининг катта шоири Расул Гамзатов «Тоғлар - менинг ватаним, қалбим ҳамиша шу муқаддас гўшага талпинади» деб беҳиз айтмаган, - деди кабзахоналик ўқитувчи Мўмин Холиқов. - Эсимизни танигандан бери тоғу-тошлар бағрида яшаб, шифобахш булоқлар сувини ичиб вояга етдик.**

## ТОҒЛИКЛАР хонадонида хурсандчилик

Хисор тоғларининг тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Фотиҳ Искандар Зулқайнарнинг отлари дулирини тинглаган, буюк соҳибқирон Амир Темур суворийлари гулдорусидан ларзага келган, зийрак нигоҳли Улугбек юлдузларининг сир-асоридан воқиф бўлган муқаддас маскан.

Тоғ йўллари машаққатли. Шахрисабз, Китоб, Яқкаб тоғуларининг худудидидаги йиғирмадан ортик қишлоқлар марказдан анча олисда жойлашган. Тинимсиз сел ва жалалар, тоғ ва қор кўчкери аҳоли учун қийинчилик туғдиради. Бунинг устига яшаш жойлари электрлаш-

тирилмаган, табиий газ етиб бормаган. Замонавий, текис ва раво йўллар қуришининг имконияти йўқ.

Шу боис ҳукуматимиз тоғликларни ҳар томонлама қулайликка эга қўрғонларга қўчириш тўғрисида доимий меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан факулдада ҳолатлар мавжуд бўлган худудлар аҳолисини қулай шароит яратилган хавфсиз жойларга қўчиришининг 2003-2004 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган.

Бундан бир ой муқаддам тоғдаги Қабазон ва Мусобозор қишлоғи аҳолиси Китоб

шаҳри яқинида қурилган замонавий қўрғонларга қўчиб ўтишди. Жумладан, Қабазон қишлоғининг 112 та оила-си Шодмон Умаров номи ширкат хўжалиги худудида бунёд этилган кotteжларга жойлаштирилди. Қўрқам ва

лалми ерлар ажратилди. Бу ерда қичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ёрдамчи корхоналар барпо этиш режалари ишлаб чиқилган.

Қабазонда бунёдкорлик юмушлари авжида. Айни пайтда 160 ўринли мактаб, 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти, маҳалла гузары қуриляпти.

...Оқшом чўкди. Осмондаги юлдузлар билан бахslashлаётган электр чирокларининг нури теварак атрофини мунаввар этган. Олисандан пуриқор тоғлар оқариб кўринади.

Хонадонларни айланамиз. Одамлар билан суҳбатлашамиз. Асли шаҳри-сабзлик, 16 йилдан бери тоғда яшаган Шарофат опа Назарова хонадонида шоду-хуррамлик. Бола-чақалари билан «Зангори экран»дан берилаётган курсатувларни мароқ билан томоша қилишаяпти. «Маҳалла» хайрия жағмар-маси маблағи ҳисобидан янги кўчиб келган оила-ларга 128 та телевизор бепул олиб берилади.

ЎЛКИН

## Меҳнат ардоқлаган кишилар

## ФАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ

**Оқ оптинлик тажрибали дехқон Раҳмат Бўлтаков суд-яги дехқончиликка қотган оқсоқол. Тўққиз ўнгла бахт меҳнатда эканлигини тинмай кўтариб келди. Шу боис фарзандларининг ақсарияти ота изидан борди. Сулола иккита фермер хўжалигида меҳнат қилишди.**

Раҳмат ака ишлагани ҳам билади, шу билан бирга атрофдагилар моддий манфаатдорлигини яхшилашни ҳам ўйлайди. Оқсоқолнинг эътирофи эътишча, ўтган йиллар фермер учун онсон бўлмади. Негаки, обн-ҳавонинг нуқулйи келиши етмаганди, шартнома режасини ошириб урдаласиз-да қиллар унундир қўшимча фозилар эвазига меҳнаткаша қолган донни ҳам қоплаб олиш пайида бўлгучилар йўқ эмасди. Аммо бу йилги мавсум шакли-шамойилли ҳам, дехқонга мусоабат ҳам ўзгача бўлди.

...Фалла ўрмига киришди олдиндан режадан ошича ҳосил ўзимизда қолишига ишон ҳосил қилдик, - деди фермер Раҳмат Бўлтаков. - Мавсум аввалида вилоят ҳокимининг ташаббуси билан «Энг фойзли дала» танлови эълон қилинди. Ер соҳиблари нафақат шартномадан ошк галла-ни, балки танлов гоилиб бўлиб, мўмай даромадни қўлга кири-тишга интилки.

12 гектар майдонга галла экиб, шартномавий режани 112 фозизга урдалади. 15 тоннадан ортиқроқи ўзимизга қолдирилди. Даромадимиз бир неча миллион сўми ташкил этипти. Ҳозир фермерларимиз қонунда белги-ланган барча имтиёزلардан фойдаланишпти. Ҳеч бир тўсиқ йўқ. Хирмонимиз донга, чўнтагимиз пулга тўлди.

Мулкдорларимизнинг ўз ҳақ-қўққуларини тобора қўққурок ан-глуб олаётгани улар ишида, турмушда ўз акс-содосини берп-пти. Шу ўринда бир мисол. Сай-хунободлик фермер Очилтой Шодмонова ер қалитини топан-лардан. Кўп йиллар хўжалик раҳбари, қишлоқ фуқаролар йи-гини раиси лавозимларида иш-лади. Бундан 4 йил илгари фер-мер хўжалигини ташкил этди. Тоғдан фойдасининг маълум қисмини аҳолини ижтимоий му-ҳофазасига сарфлаб келмоқда. Бу йил ҳам шартномадан ошк-ча олган галланинг 5 тоннасини ана шундай оилаларга улашиб чиқди. Фермер хўжалиги аъзо-

ларининг уйларига 1,5 тонна-дан бугдой тарқатилди. Дала-дан тўпланган 70 тонналик ҳосилнинг 20 тоннаси эса уруғликка сотилди. Биргина галлачиликдан олнинган соф фойда 3 миллион сўми таш-кил этипти.

Мирзаобод туман машина-трактор паркида бўлганимизда комбайн хайдовчиси Хур-матой Машариповни ҳаммас-блари қутлашайётганининг гу-воҳи бўлидик. Бониси, мавсум-да фидокорона меҳнати учун вилоят хоналиғи қўшма бай-роғи ҳамда бир тонна бугдой берилибди. Шу атрофда мақс-сотилган бир фермер билан у-рашдик. У фалвир сувдан кўта-рилганда, атиги 300 кило-грамм бугдойга эга бўлгани-ни айтиди. Ҳеч қимдан гина-қудрат қилмади. «Шартнома-вий режани амал-тақал уда-ладик. Айб ўзимизда. Фалла парваршишда хатоларга йўл қўйдик. Пешона тер тўққани-мизда биз ҳам тонналаб буг-дой хирмони кўтарар эдик».

Катта давон остонасида турган Сирдарё дехқони бугу-нидан мамнун, эртасидан умид-ди катта.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

# «ХИВА КАРПЕТ» ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИ

(Боши 1-бетда)

Мустақиллик шарофати ила ички имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқаришга замонавий технологияни изчил жорий этиш юзасидан хайрли иш-

қилаётган бўёқчилар бригадалари юксак унум билан ишламоқдалар. Муаммолар омиликорлик билан ҳал этилмоқда. Дастлабки кезлар маҳсулотни сотишда қийинчиликларга дуч келинди. Гап шундаки, герма-

Вақт ўтган сайин маҳсулотга талаб ҳам ортиб боради. Унинг янги-янги турларига эҳтиёж сезилди. Буни ҳисобга олган «Хива-Карпет» қўшма корхонаси мутасаддилари гиламлар сифатига эътиборни қўйиб, энг яхши турларини кўпайтириш юзасидан изчил ишланмоқдалар. Ҳозир замонавий цехларда 100 турдан ошмак ранго-ранг безаклардаги жаҳон андозаларига мос гиламлар ишлаб чиқарилмоқда. Дизайнерлар йил охиригача харидорлар маҳсулот турини 550 тага етказишни мўлжаллашмоқда. Улар жаҳон гиламчилигининг энг қадимий ва нобъ безакларидан мохирона фойдаланган ҳолда ўзига хос мактаб яратмоқдалар.

Гиламларимизга бўлган талаб тобора ортаётганлиги барчамизни қувонтирапти, - дейди «Хива-Карпет» қўшма корхонаси бош директори Илҳом Аҳмедов. - 2004 йилда хорижий давлатларга 2003 йилга нисбатан икки баробар кўп маҳсулот етказиб берамиз.

Бозор шароитида ишнинг муваффақияти раҳбарнинг билими, ташкилчиллиги, тажрибаси, масъулияти ўз зиммасига ола билиши, кўпни ортдан эргаштира олиши каби салоҳиятига боғлиқ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган сановат ходими Илҳом Аҳмедов қарий 30 йилдирки, «Хива гилами» ҳиссасдорлик жамиятига мо-

қилиш ниҳоятда муҳимлиги ўз-ўзидан маълум. Кўп сонли аҳил жамоа бунинг удрасидан чиқмоқда.

Моҳир гиламчилар эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолишмайдилар. Жаҳон бозорининг талаблари ҳисобга олиниб, янги қўшма корхоналар тузиш юзасидан истиқболли режалар белгиланмоқда. Хусусан, яқин йиллар ичида бош корхона - ҳиссасдорлик жамияти базасида йилга уч минг тонна пахта толасидан ип-калага ишлаб чиқарувчи замонавий корхона фаолият кўрсата бошлайди.

«Хива-Карпет» корхонаси ишчи-хизматчилари Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олмақдалар. Бу ерда лойиҳа қуввати тўла ўзлаштирилди ва йилга 2 миллион 400 минг квадрат метр гилам ҳамда гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, мамлакат хазинаси-



ларга қўл урилди. Корхона раҳбарияти дунёдаги энг йирик турдош корхоналар тажрибасини пухта ўрганди. Шундан кейин 2001 йилда «Хива-Карпет» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига асос солинди. Бунёдкорлик ишларига 26 миллион евро ажратилди. Цехларга Германиянинг «Тэфам», «Цин-зер», «Волькманн», «Хематекс» ҳамда Франциядан келтирилган агрегатлар ўрнатилди. Эътиборлиси шуки, корхона муддатидан илгари - саккиз ойда қурилиб ишга туширилди.

Ҳозирги кунда қўшма корхонада иш уч сменада ташкил этилган. Хива шаҳри ва атроф қишлоқларида ўсиб-войяган етган йил-кўзлар мураккаб жараён тўла компьютерлаштирилган, қудратли дастгоҳларни моҳирлик билан бошқармоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва суръати ортиб бормоқда. Шу ўринда қуйидаги таққослашга эътиборни қаратсак. «Хива гилами» ҳиссасдорлик жамиятида уч минг киши 91 та дастгоҳда бир йилда 2,4 миллион 400 минг квадрат метр гилам тўқиётган бўлса, «Хива-Карпет» қўшма корхонасида минг киши 8 та дастгоҳ билан шунча ҳажмдаги гилам тўқишни режалаштирган.

Омиликор, сифат ҳақида алоҳида қайғураётган ишлаб чиқаришни илгорлари ип. Бектурди Шеров бошлик ип-йигирув. Баҳодир Шарипов етакчилигидаги тўқувчилар, Хайитбой Курбонов раҳбарлик

ниятилик ҳамкорлар билан тузилган шартномага кўра улар тайёр маҳсулотнинг 70 фоизини сотишни ўз зиммаларига олишганди. Муҳим ишда йилчилик юзига келганида хива-



ликлар ташаббусни қўлга олдилар. Тез орада Россия, Украина, Хитой, Швеция, Қозғистон ва Қирғизистон давлатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада сўнгги уч ой ичида 550 минг АҚШ долларини ҳисобига гилам хорижга сотилди.

Хорижликлар анойи эмас. Улар маҳсулот сифати, унинг нархи билан алоҳида қизиқадилар. Хива гиламига тан берганликлари боис ўнлаб чет мамлакатлар билан савдо-сотик қилиш юзасидан шартномалар имзоланди. Бу йил қўшма корхона бўйича 2,5 миллион долларлик гилам ва гилам маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилган.

хирлик билан раҳбарлик қилиб келишмоқда. Эндиликда унинг шоғирдлари кўплаб жойларда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Зеро, биз хижоа қилаётган, эндиликда хорижга юз тугган аjoyиб қўшма корхонани ташкил этишнинг асосий ташаббускорларидан бири ҳам директорнинг ўзидир.

Излаган имкон топади. Бу сўзлар хивалик гиламчилар учун айнан айтилгандек. Боиси ҳозирга корхонага бўёқ, капрон тола, жун ва бошқа маҳсулотлар четдан келтирилмоқда. Таъминотда узилишлар бўлмаслиги, ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиш, тежамкорликка роя



га 17 миллион доллар валюта тушишига эришилди.

Бу ерда меҳнат киши алоҳида меҳрибонлик билан қўриб олинган. Саломатлик масканни, ошхона, маданий-маиший хизматдан ишловчилар мамнун. Шу боис яхши кайфият, изланувчанлик уларга ҳамроҳ. Яқинда хориждан келган бир гуруҳ меҳмонлар қўшма корхонада бўлиб, унинг аjoyиб маҳсулотлари, тўқувчилари фаолияти билан танишар эканлар, Шарқдаги аjoyиб корхона «Хива мўъжизаси» деб таърифладилар. Буларнинг ҳаммаси Истиқлол шарофатидандир!

Хусайн РАҲМОНОВ

Ҳозирги кунда «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали 462 минг нафар ҳамшаҳарларимизга алоқа хизмати кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, пойтахтимиздаги мавжуд ҳар ўнта хонадоннинг 9 таси унинг хизматида фойдаланилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида давр рўжун хис қилган ҳолда ишлаш лозим.

# ТЕНДЕР

## натижасида ҳамшаҳарларимизга алоқа хизмати кўрсатиш янада яхшиланади

лелефон станцияларини қайта таъмирлаш учун тендер эълон қилинди. Келгуси йилнинг биринчи ярим йиллигида станцияларни қайта таъмирлаш ишлари тугатилади, хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошади. Шунингдек, пойтахтимиздаги 14 та маҳалла аҳолисига қўшимча равишда мингта телефон хизмат кўрсата бошлайди. Пойтахтимизнинг «Пахта», «Истиклол», «Тўрабод», «Янги ҳаёт» ҳамда Келес туманидаги «Хасанбой», «Туробод» маҳаллалари, Қирғиз туманидаги «Дурмон» қўрғонида ҳам қўшимча равишда телекоммуникация ишлари амалга



оширилади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Корхона маъмурияти ва касабана уюшма кўмитаси айна пайтда меҳнат қилаётган 3487 нафар ишчи хизматчини ижтимоий ҳимоялаш учун барча чораларни кўрмоқда. Бунинг учун жамоа шартномасида кўрсатиб ўтилган ҳар бир банднинг бахарилиши доимий ўзгаришга эришилди. Корхонада ўртача ойлик маош 95 минг 890 сўмни ташкил этаётган. Турли байрамларда дастурхонлар ёзилиб, ишлаб чиқариш фахрийлари ва илгорлари тақдир этилди. Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш асосий диққат эътиборда. Айна пайтда корхонага қарашли «Алоқачи» болалар ёғзи оромгоҳида ишчи хизматчиларнинг фарзандлари

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» муҳбири

# Ҳамиша оғоҳу ҳушёр бўлайлик

## ЎСМИР ТАҚДИРИГА МАҲАЛЛА БЕФАРҚ ЭМАС

«Эркин» қишлоғи фуқароларининг бу галги маслаҳат йиғини оғоҳлик, бола тарбиясига бағишланди. Маъруза навбати Набижонга келаркан, одатдагидек ётиги билан гап бошлади. Хусусан, у Навоий кўчасида истикомат қилувчи айрим ота-оналарнинг лоқайдлиги, бефарқлиги ҳақида тўхталди. Улардан бири «Дамас» хайдовчиси, хусусий тадбиркор Қобулловлар оиласи тўғрисида аниқлашга бориб, очик гапирмади. Чунки инсон кўнгли гулдек нозик. Биргина ноҳия сўз билан дилни ваён қилиш ҳеч гап эмас. Фақат хайдовчининг ўгли кўпгина мақсадсиз дайбўл юришини эслатиб ўтди. Бирок на отанинг, на боланинг номини тилга олди.

Хайдовчи дашномлар ўзига тегишли эканлигини пайкаб, қулоғига қизариб ўтирарди. У эртасига ўғлининг таъзини бермоқчи бўлди. Лекин, ўзини босиб, санжик юришининг оқибатлари ҳақида насихат қилди.

Ота наздида ўғли тузуккина сабоқ олгандек эди. Сўнгра боланинг кўнгли чўкмасин, деб ўғлига озгина пул қистирди-да, қирақашлигига киришиб кетди... Отанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, дейдилар. Яна, кўнадаги қилдирилган ишнинг тасмини йўқ, «кўнда шунда» уфатларини кўмаси қилди.

Йиғин педагог-тарбиячиси Набижон Саторов Фанижонни бир гал «кафе»да ширакэйф ўтирганини, бошқа сафар бозорда учратиб қолди. Болани ёмон йўлдан қайтармас, бирор қор ҳол бўлишини кўнгли сезиб турарди. Ана шу илҳизда қирақашнинг хонадонига қараб йўл олди.

Фанижоннинг қилиқларини яшириб ўтирмади. Қўрған-билганларини гапириб берди. Қўсурларнинг олдини олинмас, Қобулловлар оиласининга эмас, маҳалла, қишлоқ юзи шивит бўлиб қолишини тушунтирди. Болани уйда бирор фойдали иш билан машғул қилишни, тарбиясида ота-онанинг бурчи ва масъулияти, жоматчилик назорати ҳақида йўл-йўриқлар берди. Фанижон ўртада чўқ эмай, «без» бўлиб ўтирарди... Оравдан икки-уч кун ўтди. Ота-она яна тирикчилик ташвиши билан рўзгор ишларига киришиб кетдилар. Фанижон билганидан қолмади. Ноп-«эски танишлари» билан кўча-кўйда санжисини қўймади.

Кўча кўнда эмас, кўнида синди, деганлар. Тўнда чойхонадаги хилватгоҳда ошик отаётганда ички ишлар ходимларининг қўлига тушади. Бунга маданият ва истироҳат паркида сабабсиз жанжал кўтариб бериш қилгани ҳам қўйиладди. Хуллас, иш тўғрисида ҳақдорликка воғоя етмаганлар комиссиясида муҳокама қилинди. Отаси жамоат орасида ер ёрилсаю, кириб кетгудек бўлиб мулазим бўлиб ўтирарди. Жиноят ҳақсиз «оламади. Қирақаш «Оила Кодекси» талабларини бузиб, ўз фарзандини тарбияси билан етарли шўғуланмагани учун мўймайгина жаримага тортилди. Орага педагог-тарбиячи Н.Саторов, маҳалла йиғини фаоллари тушмаганида, иш судга ҳам ошарди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

# ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 74 корхона ўз маҳсулотларини Андижонда очилган улғуржи-чакана савдо ярмаркасида намойиш этмоқда. Мунтазам фаолият кўрсатадиган ушбу ярмарка Истиқлол кўчасидаги савдо уйи залларида жойлаштирилди. Бу ерга тақлиф этилаётган маҳсулотларнинг катта қисми қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган. «Кезартурк», «Узсаламан», «Олтин дери» қўшма корхоналари, «Файз холдинг», «Тошинвестпласт» компаниялари ўзларининг энг яхши маҳсулотларини тақлиф этган.

Ярмарканинг биринчи иш кўнида Андижон вилоятида фаолият юритаётган 30 хўжалик иритувчи субъект харид тўғрисида шартномалар тузиш истагини билдирди.


# ЗАМОНАВИЙ ГУЗАР

Чиноздаги қаровсиз ётган истироҳат боғи «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан ёшларнинг маданий марказига айлантирилди. Шунингдек, Т.Эрназаров номидаги ширкат хўжалигининг А.Худойбергенов номидаги маҳалласида хомий ташкилотлар ва тадбиркорлар кўмаги билан маҳалла гузари қуриб битказилди.

Давр ҳар биримиздан тадбиркор, ўз ҳақини биладиган ва ўзи химоя қила оладиган инсонлар бўлишини тақозо этмоқда. Бунинг учун ўқиб-ўрганиш, излашни даркор. Яширининг ҳождати йўқ, айрим ўйларда аниқлашга берилган қишлоқ «чўв» тушиб қолишмоқда. Дийримизнинг турли ҳудудларида бўлиб, нўз-неъмат бунёдкорлари билан суҳбатлашсангиз, кўнглингиз чоғдек кўтарилади. Бонис, боғ-бон сабзавоткор, чорвадор пахтакор Ўзбекистон мустақиллигининг ўн икки йиллик тўйига муносиб тўйна ҳозирлаш орасида ташаббус кўрсатиб ишламоқда.

Бирок, гуруч курмақсиз бўлмайди. Ҳали орамизда оз бўлса-да, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, ўзгалар ҳақида ҳиёнат қиладиган, мансабини сунистеъмоқ қилаётган шахслар афсуски бор. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Шўхрат Аберкулов билан суҳбатимиз чоғида ҳам кўп нарсга ойдинлашди.

Собик шўро даврида прокурор ва прокуратура ходимларига асосан қораловчи сифатда қараб келишган, - дейди фикрини ифодалайди суҳбатдошимиз. - Мустақиллик шарофати, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларда шарқона урф-одатлар инобатга олинаётганлиги, ҳамкасбларимизнинг халқ билан бевосита алоқада фаолият юритишлари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини қаттиқ турб химоялашда муҳим рол ўйнамоқда.



Ислоҳот йўлидаги говлар

жойи шуки, баъзида ўзлари намуна бўлишлари лозим бўлган кишилар қинғир ишларга қўл уришади. Айблари очилгач, турли баҳоналарни кўриб қилишади. Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси газначиси Г.Ойбекова турқў таътилидаги ходимлардан икки аёлга те-

# МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ

## Кимлар томонидан чекланмоқда?

га 7 миллион 605 минг сўмлик иш ҳақи берилмаганини, жамият раҳбари ўз хизмат вази-фасига совуққонлик билан қараётгани аниқланди. Суд қарори билан тегишли маош пули ундириб берилди.

Меҳнат жамоаларидаги суҳбатлар, савол-жавоблар қўнун хийманчилиги билан ишончи келтирилган бўлганда мустахкамламоқда. Бу янада мустахкамламоқда. Бу келаятган хатларда ҳам ўз ифодасини тоғган. Яна мисолларга эътиборни қаратайлик. «Қорақалпоқрамор» очик турдаги акциядорлик жамияти ишчиларини арзиза олинди. Улар анча вақтдан буюн маошнинг вақтида ололмаётганликлари хусусида ёшганди. Шўжоят бўйича текширув ўтказилганда, далиллар ўз тасдиқини тоғди. Фуқаролар судининг қарори билан жамият ишчиларига иш ҳақи ундириб берилди. Акциядорлик жамияти мутасадди раҳбарларига ишдаги жиддий камчиликлари учун тегишли қор қўрилди. Кишини ажаблантирадиган

# МАҲСУЛОТГА ХАРИДОР

кўпаймоқда Пахтадан мўлжалдаги ҳосилни олиш қанчалик машаққатли бўлса, уни қайта ишлаб, харидорга манзур маҳсулотга айлан-тириш ҳам шунча қийин. Зеро, деҳқон меҳнатининг самараси қайта ишлаш корхоналарида яққолроқ намойен бўлади.

Асосий эътиборни тола сифатини яхшилашга қаратя-миз, - дейди Челақ пахта тозалаш заводи директори А.Умаров. - Шу боис маҳсулотимизга хориклик харидорлар талаби кучайиб бормоқда. Ўтган йили 25 минг 724 тонна пахтадан қайта ишлаб, АҚШ, Франция, Буюк Британия ва Сингапур каби давлатларга олти минг икки юз олти тоннадан зиёдроқ сифатли тола сотдик.

Шунингдек, ички истеъмол бозорига 1 минг 397 тонна тола тайёрлаб бердик. Янги мавсумга шай турибмиз. Пахта қабул қилиш манзиллари тўлиқ таъмирланди, барча техника мавсумга тайёрлаб қўйилди.

(ЎЗА)

М. СОБИРОВ



